

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**835 Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни шу мақсадда 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Тошкент давлат консерваторияси учун янги бино қурилиб, у замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Ушбу олий ўқув юртининг нуфузи ва мақомини ошириш учун унга «Ўзбекистон давлат консерваторияси» номи берилди, консерватория қошида иқтидорли ёшлар учун академик мусиқа лицейи ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятининг танқидий таҳлили ўтган давр мобайнида ушбу олий таълим муассасаси томонидан академик ва миллий мусиқа санъати йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-педагогик ва илмий-ижодий ишларни ташкил этиш борасида муайян ютуқларга эришилганини, шу билан бирга, бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини кўрсатмоқда.

Мутасадди ташкилотлар, биринчи навбатда Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан етарли даражада амалий ёрдам ва кўмак берилмагани, тегишли назорат олиб борилмагани, масъулият ва талабчанлик бўшаштириб юборилгани оқибатида Ўзбекистон давлат консерваторияси мамлакатимиз маданий ҳаётидаги ўзининг етакчи ўрни, обрў-эътибори ва таъсирини йўқотиб бораётгани, унинг фаолияти бугунги замон талабларидан орқада қолаётгани, бу борада кечиктирмасдан ҳал қилиш зарур бўлган бир қанча жиддий муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Жумладан, таълим-тарбия ишларининг замонавий стандартлар ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида тўғри ташкил этилмагани, ўқув дастурлари ва методикасининг мукамал эмаслиги, дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодий ходимларнинг салоҳияти аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаслиги, консерваториянинг моддий-техник базаси ночор аҳволга келиб қолгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишга қабул қилиш квоталарида номутаносиблик вужудга келгани, хусусан, 700 нафар ўқув ўрни мавжуд бўлгани ҳолда, амалда 1346 нафар талаба тахсил олаётганини албатта нормал ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди.

Мана шундай камчилик ва муаммолар ўз навбатида ушбу олий таълим муассасаси олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга оширишга, маданият соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур деб аталади) 1-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг таркибий тузилмаси 2-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурнинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналари негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш;

аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларни миллий ва умумбашарий мусиқа санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда уларнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий етук ва баркамол шахсларни тарбиялаш;

мулкий ёки идоравий мансублигидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш бўйича келишувларда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий жиҳатдан таянч олий таълим муассасаси эканини эътироф этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, аудиториялар ва махсус хоналарни таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлаш;

консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик маҳоратини ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда республикамызда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур маиший шароитлар яратиш,

ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминлаш бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Консерватория ва унинг таркибидаги Иқтидорли болалар академик лицейи профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг ижодий фаоллигини янада ошириш, ёзги таътил давомида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган санаторийни «Муסיқа оромгоҳи» деган ном билан консерватория тасарруфига ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, консерваториянинг мақоми ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув бинolari етишмаганлиги сабабли ҳамда талабалар контингенти сезиларли даражада ортганини инобатга олиб, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мирзо Улуғбек туманидаги, Мустақиллик проспекти, 31-уйда жойлашган В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейига тегишли бўлган бинони Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос бўлган, академик жамоаларнинг бадий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги мазкур лойиҳаларни амалга оширишда хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда консерваториянинг лойиҳалаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларида масъул этиб белгилансин.

уч ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида «Ноёб чолғулар давлат коллекцияси»ни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

тўрт ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваториясига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган касбий (ижодий) кириш имтиҳонлари тартибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2018 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида муסיқа санъати таълим-тарбияси бўйича «Муסיқа» илмий-услубий журнал фаолиятини ташкил этсин;

республикадаги энг яхши болалар муסיқа ва санъат мактаблари, маданият ва санъат коллежларида консерваториянинг таянч ижодий марказлари ташкил этилсин ҳамда уларга консерваториянинг етакчи профессор-ўқитув-

чиларини юбориб, «Маҳорат мактаби» машғулотларини ўтказиш йўлга қўйилсин;

ноёб ва мураккаб чолғу созларини янада пухта ўзлаштиришлари учун ҳар йили ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига келишув шартномалари асосида Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли (2-3 ойгача) ўқишга юборсин;

иктидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мунтазам иштирок этишларини таъминласин.

5. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишнинг молиявий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари — 2018-2019 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида мусиқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва 400 ўринли ётоқхона биноларини қуриш ва жиҳозлаш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ташаббуси билан хайрия асосида ажратиладиган маблағлар — Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бино ва иншоотларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари — «Ноёб чолғулар давлат коллекцияси»ни, «Мусиқа» илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этиш, ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига ўқишга юбориш, иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда иштирок этишларини таъминлаш қисмида;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар — бошқа тадбирларни бажариш қисмида.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб турар-жой шароитларини яратиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари асосида Тошкент шаҳрида қуриладиган кўп қаватли уйлардан уй-жойлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. Султонов ва А. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 август,  
ПҚ-3178-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 8 августдаги ПҚ–3178-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
<b>I. Ўзбекистон давлат консерваторияси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш</b>			
1.	Муסיқа санъати таълим муассасаларини махсус адабиётлар билан таъминлаш, уларни мунтазам нашр қилиб бориш мақсадида консерватория ҳузурида ихтисослаштирилган муסיқа нашриёти ва босмахона ташкил этиш, мавжуд овоз ёзиш студиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	2018 йил II чорак	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси
2.	Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси қошидаги «Муסיқа чолғулари музейи» фаолиятини яхшилаш, «Консерватория тарихи музейи»ни моддий таъминлаш.	2018 йил II чорак	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси
3.	2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида муסיқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказини ташкил этиш, шу мақсадда янги ўқув биноси ва тингловчилар учун турар жойи куриш ҳамда талабалар ва малака ошириш учун келган тингловчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жисмонан соғлом бўлиши мақсадида консерватория ҳудудига туташ спорт майдончасини ташкил этиш.	2018/2019 ўқув йилидан бошлаб	Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Архитектура ва курилиш давлат кўмитаси
4.	Ўзбекистон давлат консерваторияси биносини акустик талабларни инобатга олган ҳолда капитал таъмирлаш, мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган муסיқа чолғулари, техник воситалар, инвентарь ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.	2019 йил мобайнида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки
5.	Консерваторияда талабалар мустақил шуғулланишлари учун етарли репетиторийлар ташкил этиш, мустақил машғулот ўтказишлари учун хоналар ажратиш ва яхши созланган чолғулар билан жиҳозлаш, шунингдек, консерватория ётоқхонасида ҳам шундай шароитларни яратиш.	2019 йил мобайнида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки


Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
6.	Ўзбекистон давлат консерваториясида ўрнатилган ноёб орган чолгусини таъмирлаш, доимий техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва орган залини автоматик ҳароратни сақлаб туриш ускуналари билан таъминлаш.	2019 йил мобайнида	Маданият вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестициялар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки
7.	Ўзбекистон давлат консерваториясида мусиқий адабиётлар, ўқув услубий мажмуалар ҳамда нота матнларини чоп этишга ихтисослаштирилган махсус босмахона ташкил этиш.	2018 йил мобайнида	Маданият вазирлиги, Давлат нашриёт ва матбаа қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
8.	Ўзбекистон давлат консерваторияси таркибидаги Мусиқали театр-студиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув ишлаб-чиқариш жамоалари ҳисобланган симфоник оркестр, халқ чолғулари оркестри ва хор артистларининг маош разрядларини республика профессионал бадиий жамоалар ходимлари маош разрядларини ўрганиб, тегишли хулосаларни тайёрлаш.	2018-2019 ўқув йилидан	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
9.	2017 йил октябрь ойига қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси биносини иссиқлик билан таъминлаш бўйича локал иситиш қозон-хонасини ўрнатиш.	2017 йил октябрь	Маданият вазирлиги, «Ташиқликқувват», Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги,
<b>II. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув-услубий ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш</b>			
10.	Ўзбекистон давлат консерваторияси битирувчилари дипломида Давлат аттестацияси комиссиясининг қарорига биноан қайд этиладиган малака талаблари, шунингдек, таълим муассасасининг бакалаврият ёки магистратура босқичлари учун мўлжалланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини танқидий ўрганиб чиқиб, уларни такомиллаштириш чораларини кўриш.	2017 йилидан мунтазам	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси
11.	Консерваториянинг мутахассислик йўналишида касбий (ижодий) кириш имтиҳонларини ташкил этишни тубдан ўзгартириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Давлат қабул комиссиясига киритиш.	2017 йилидан мунтазам	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси
12.	Мусиқа таълими узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари фанлараро боғлиқлиги ва интеграциясини такомиллаштириш.	мунтазам	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
13.	Ўзбекистон давлат консерваториясида олий таълимдан кейинги таълим турида ижрочилар учун ассистентура-стажировка таълимини қайта тиклаш, Консерваторияда мусиқа санъати бўйича фалсафа док-	2018 йилидан бошлаб	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	тори (PhD) илмий даражасини берадиган ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш.		
<b>III. Мусиқа таълими муассасаларини илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш, қайта тайёрлаш, уларни малакасини ошириш ва моддий рағбатлантириш</b>			
14.	Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей ва коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2018 йилдан бошлаб мунтазам	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси
15.	Ўзбекистон давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари илмий-ижодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей ва коллежларида ижодий учрашувлар, «Устоз сабоқлари» машғулотлари, семинар-тренингларни мунтазам ташкил этиш.	2018 йилдан бошлаб мунтазам	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси
16.	Консерваториянинг асосий квотасига қўшимча равишда, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун педагоглар кадрлар тайёрлаш квотасини иқтисодиётнинг реал сектори талаб ва эҳтиёжни ўрганган ҳолда вилоятлар кесимида мақсадли шакллантириш.	2018/2019 ўқув йилидан бошлаб	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази
<b>IV. Ўзбекистон давлат консерваториясининг ҳамкорлик алоқаларини такомиллаштириш</b>			
17.	Ўзбекистон давлат консерваторияси ва хорижий турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, 2021 йилда фортепиано, торли ва дамли ҳамда урма зарбли мусиқа чолғулари халқаро танловини мунтазам равишда ҳар уч йилда бир ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	мунтазам равишда	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
18.	Ўзбекистон давлат консерваториясида профессор-ўқитувчилари учун маҳорат дарслари, илмий-амалий конференцияларга хорижий мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш, хорижий давлатлардаги таниқли санъаткорлар билан ҳамкорликда концерт дастурларини ташкил қилиш.	2018 йилдан мунтазам равишда	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги



## Ўзбекистон давлат консерваториясининг таркибий ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг (деканатлар, кафедралар ва бошқалар) жами чекланган сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 8 августдаги ПҚ–3178-сонли қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада  
ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар  
дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

- А. Арипов — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Республика комиссияси раҳбари
- Х. Султонов — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика комиссияси раҳбари ўринбосари
- А. Юнусходжаев — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
- Р. Усмонов — Тошкент шаҳри ҳокими
- М. Муратов — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири, Республика комиссияси котиби
- А. Камилов — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
- Г. Саидова — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири
- Б. Ходжаев — Ўзбекистон Республикаси молия вазири
- И. Мажидов — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазири
- Б. Закиров — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси
- Р. Гулямов — Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
- Б. Алихонов — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б.
- А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
- Р. Абдуллаев — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси
- М. Аҳмедов — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
- З. Муродова — Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудирини, санъатшунослик фанлари номзоди, мусиқашунос
- А. Мансуров — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори
- С. Ғофурова — Ўзбекистон давлат консерваторияси Ўқув ишлари бўйича проректори.

Изоҳ:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига кўрсатилган лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.